

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №9

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AХВОРОТНОМАСИ**



**ВЕСТНИК**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста : О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 9, 2022

## **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**Главный редактор**

проф. А.К. Шадманов

**Заместитель главного редактора**

проф. О.Р.Тешаев

**Ответственный секретарь**

проф. Ф.Х.Иноятова

## **ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ**

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

## **Члены редакционноого совета**

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ**

Искандаров Ш.А.

**СЕМЕЙНЫЕ ЦЕРЕМОНИИ АРАБОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

Искандаров Ш.А.

**FAMILY CEREMONIES OF CENTRAL ASIAN ARABS**

Iskandarov Sh.A.

*Тошкент тиббиёт академияси*

**М**аълумки, инсоннинг турмуш кечиришида оиланинг роли беқиёсдир. У муайян даражада мустақил тарзда ҳамда ижтимоий муҳит таъсири остида ҳаракат қилади. Ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатлари, ютуқ ва камчиликлари оилада ўз аксини топади. Айни пайтда оила янги инсонни вужудга келтириш, болаларни тарбиялаш, шахснинг маънавий ва жисмоний шаклланишини таъминлаш орқали муайян ижтимоий жараёнга фаол таъсир кўрсатади. Оила ва оилавий муносабат, кишилар ҳаёти ва турмуш тарзи таркибий қисмларининг йиллар ўтиши билан трансформацияга учрашини ўрганиш ва уни тадқиқ қилиш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслари қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди<sup>7</sup>.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, араб оилаларида иқтисодий ўзгаришлар билан бирга оиланинг ижтимоий тузилиши тубдан ўзгарди. Оила аъзолари турли соҳаларда фаолият олиб бора бошлайди. Шўролар даврида араб оиласини ишчи, хизматчи ва ишлаб чиқаришдан ажралган соҳа вакиллари, зиёлилар ташкил қила бошлади.

XX аср ўрталари ва иккинчи ярмидаги араб оиласи ҳақида сўз юритиш учун оила аъзоларининг умумий сони, оила бошлиғи ва аъзоларининг жинси, қариндошлик даражалари, қайси уруғга мансублиги, ёши, маълумоти, машғулотини аниқлаш лозим бўлади<sup>8</sup>.

Этнографик маълумотлар катта оиланинг XX асрнинг 30-йиллари бошларига келиб майда оилаларга парчаланганлигини, ўз навбатида кичик оилалар бўлинмаган оилага доим айланиб туришини кўрсатмоқда. Катта оилалар парчаланганининг бир қатор сабаблари бўлиб, уларнинг асосийларидан бири хусусий мулкка эҳтиёж кучайганлиги ва қолаверса, собиқ советлар ҳукуматининг зўрлик билан коллективлаштириш сиёсати ўтказганлигидир. Хусусий мулкка эҳтиёж кучайганлиги боис ўғиллар отадан ажралиб, алоҳида хўжалик туза бошлаганлар. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, катта оилалар парчаланиб кетса ҳам унинг аъзолари ўртасида хўжалик алоқалари (биргаликда уй қуриш, деҳқончилик қилиш, ўтов кўтариш, гилам тўқиш, жун қирқиш ва ҳоказолар) давом этган. Турли тўй тантаналари ва мотам маросимларида бир-бирларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби инсонпарварлик удумлари арабларда ҳозиргача амалда давом этиб келмоқда<sup>9</sup>.

Тожикистонда яшаб келаётган араблар ҳозирги кунда “Аивада” колхозини, Шаҳартуз вилоятининг “Ленинград” ва номидаги колхозларда араб аҳоли яшаб келмоқда шунингдек, Кободиён вилоятидаги Телман, оиланинг иккита шакли - кичик ва бўлинмаган, уларнинг ҳар хил турларини кузатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, араблар ҳам катта патриархал оилалардан кичик оилаларга ўтиш даври узоқ давом этади. Ўз навбатида, кичик оилалар кўпинча ўғиллари турмушга чиққанидан кейин бўлинмаган оилаларга айланади.

Марказий Осиёнинг бошқа халқлари орасида ҳозирда кичик (ядровий) оила устунлик қилаётгани ҳақида ҳеч қандай далил йўқ. Айнан араблар ҳам худди шу нарса арабларнинг замонавий оилавий маросимларига ҳам тегишли бўлиб, улар ўртасида тожиклар таъсири остида шаклланимоқда

<sup>7</sup> Каримов И. А. Юсак маънавият энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 56.

<sup>8</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 297.


<sup>9</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 298.

яъний уларда ҳам Марказий Осиёнинг бошқа худудларидан истиқомат қилиб келаётган араблар сингари ҳолатни кузатилади.<sup>10</sup>

Ўзбекистон арабларининг миллий ўзига хос жиҳатлари, яъни оилавий маросимларининг йўқолишига ички ва ташқи омиллар таъсири кузатилади. Араб оиласидаги энг муҳим жиҳатлардан бири бу–ўзаро яқин қариндошлик ришталари жуда катта аҳамиятга эгалиги билан белгиланади. Оилада этно-

маданий жараён йиллар ўтиши билан ўзгариб, янгича бир маданиятнинг шаклланиши кузатилади. Бу каби ҳолат араблар турмуш тарзи ва урф-одати ҳамда анъаналарида учрайди.

Араб оилаларининг трансформацияга учраши кейинги йилларда уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши билан боғлиқ бўлиб, оиладаги ўзаро муносабатларнинг бир неча йиллар ичида шаклу шамоийли ва тузилиши ўзгариб, бормоқда.



Умуман олганда, араб оилалари миллий қадриятни сақлаб қолишига катта эътибор қаратишган. Респондентларнинг 56 фоизи араблар ҳақида оила даврасида ҳам суҳбатлар бўлиб турида деб таъкидлайди. Шу сабабли бўлса керак арабларнинг йиллардан бери баъзи анъанавий этномаданий хусусиятлар сақлаб қисман бўлса ҳам сақлаб қолишга маълум даражада ҳаракат қилиб келишмоқда. Айниқса мустақиллик йилларда давлат томонидан миллий анъана ва қадриятларни сақлаб қолишга эътибор берилмоқда.

Оила демографик, иқтисодий, тарбиявий, маънавий-руҳий кўллаб-қувватлаш вазифалари билан бир қаторда, этномаданий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни авлоддан-авлодга ўтказиб туришдек муҳим вазифани ҳам бажаради. Этномаданий анъаналарни сақлаш, уларни бажариш оиладаги авлодлар тўлиқлигига, улар ўртасидаги ўзаро алоқага кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Оилада авлодлар қанчалик кўп ва улар қанчалик тўлиқ бўлса, бундай оилаларда миллий урф-одатлар, ахлоқ меъёрлари ва турмуш тарзига қатъий риоя қилинади. «Ақл ақлдан қувват олади», деганларидек, оилада ёшларга этномаданий қадриятлар, урф-одатларни сингдириб бориш этник ўз-ўзини англашни унутмасликнинг муҳим

омили ҳисобланади. XX асрдаги ўзига хос ўзгаришлар оилавий маданиятлар трансформацион ўзгаришлари даври деб айтилиши бежиз эмас.

Ўзбекистонда яшовчи арабларга XX асрда юз берган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар ҳамда худудлардаги ўзбек, тожик, қирғиз халқлари билан боғлиқ этномаданий муносабатлар бевосита ўз таъсирини кўрсатди ва бу бугунги араб оиласининг шакли, ижтимоий таркиби, оилавий маросимларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди<sup>11</sup>. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларида оилавий муносабатларда жиддий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Атрофдаги бошқа халқлар оилавий маросимларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, XXI асрдаги техника ва технологиянинг таъсири оила ва унинг ўзига хос анъанавий маросимларга янги инновацион анъаналар кириб келди. Айниқса, араб оилалари турмуш тарзи оиланинг ижтимоий муҳитини ўзгартирди. Бу эса оиланинг маълум маънода фаоллашишига сабаб бўлди. Арабларнинг оилавий маросимларида ўзбеклашиш жараёни кейинги йилларда жуда ҳам тез суръатлар билан давом этиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, оилавий маросимларнинг трансформацияга учраши ва халқнинг турмушидаги янгича яқка оилаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Глобаллашув жараёнида қадимий анъанавий маросимлар йиллар ўтиши билан трансформацияга учради.

<sup>10</sup> Мадамиджанова, З.М. Арабы Южного Таджикистана. автореферат М. 1994

<sup>11</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 299.

Араб оиласининг шаклланиши кўп асрларга бориб тақалиб, унинг ўзига хос локал хусусияти йиллар ўтиши билан маълум маънода ўзгарди. Араб оилалари ўзбек халқ билан худудида истиқомат қилганлиги сабабли ўзбекларга хос менталитет шаклланиши жараёни кузатилади. Кейинги йилларда эса арабларнинг оилавий муносабатларига аста-секин замонавий миллий хусусиятларнинг сингиб кетиши оиланинг трансформацияга учрашида кузатилади. Дунёдаги сиёсий ўзгаришлар миллий хусусиятларнинг ўзгариши, миллийлик, динийлик хусусиятларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб сиёсат, иқтисодиёт ва маънавиятга катта эътибор қаратилди. Жумладан, тарих ва этнология соҳасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда, яъни соҳа мутахассислари томонидан ҳар бир халқнинг турмуш-тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари кенг миқёсида ўрганила бошланди. Совет тузуми даврида мафқуравий тазйиқ остида кўп халқларнинг миллий қадрияти, оилавий анъана, урф-одатлари, бой маданий мероси оёқ-ости қилинди. Жумладан, анъанавий тўй маросимларига қарши мафқуравий тазйиқлар ўтказилди. Бироқ, диний ва мафқуравий жиҳатдан ўша давр оддий халқ тазйиқларга қарамасдан ўзига хос халқ анъаналарини унутмаслик ва уни келажак авлодга етказишга уринишди.

Халқларнинг этник ўзлигини англаб, миллий қадриятларини чуқурроқ ҳис қила бошлаганлиги кишиларнинг машғулотларида, урф-одатлари ва қарашларида акс этган. Уларнинг тарихий ўтмишининг янги саҳифаларини очишга имкон берадиган анъанавий турмуш тарзи маданиятини ўрганиш долзарб масалалардан биридир<sup>12</sup>.

Маълумки, совет тузуми даврида тўй маросимининг мазмуни шакл-шамойили анча ўзгарган эди. Тўғри, илгарилари ўзбекнинг тўйида қозоқнинг полвони, қирғизнинг ўланчиси, тожикнинг устаси, туркманнинг чавандози, албатта, иззатли меҳмон сифатида қатнашган. Янги тузумга келиб бу қирралар йўқолди. «Қизилтўй», «оқшом»ларнинг килириб келиши анъанага айланиб улгурди<sup>13</sup>.

Тарихдан яхши маълумки, Россия империяси босқини ва совет тузуми даврида оиланинг миллий заминларига қаттиқ зарба берилди. Коммунистик мафқура томонидан маънавий ҳаётимизга миллий хусусиятларга зид бўлган «қизил тўй», «комсомол тўйи», «байналмилал никоҳ» каби «социалистик» маросим ва урф-одатлар мажбуран, сунъий равишда тикиштирилди, муқаддас, сермаъно миллий анъана ва маросимларимиз «ўтмиш сарқити», «диний хурофот», «бидъат» деб қораланди, никоҳ ўқитишни руслар тақиқлашди, натижада, оила ва никоҳга оид азалий анъана ва урф-одатларимиз ўзининг гўзал қирраларини йўқотди<sup>14</sup>. Бироқ барибир шаръий никоҳлар яширинча ўқитиб келинди.

Янгича тўй, «комсомол тўй» лар 70–80-йилларда кенг миқёсда кириб келди. Янги анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ҳолда диний урф-одатлар кираксиз ирим-сиримлардан холи равишда ўтказилган<sup>15</sup>. Бу каби маросимларнинг ўтказилиши араб халқ турмуш тарзи ва маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Миллий урф-одатлар айниқса тўй маросимларида яққол акс этади. Жейнов қишлоғида балоғат ёшига етган йигитни уйлантириш учун совчилар муносиб қиз топишга ҳаракат қилади. Совчилар топган қиз куёвга маъқул келса, илк ризолик нишонаси сифатида «ўғри патир» ва «оқлик» юборилади. Қиз томондан бир неча бор тўйга розилик олингач, «белги қилинди» деб аталувчи кичик маросим ўтказилади.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон «қатлама қайтарди» маросимини ўтказилади. Унда қайнотага жойнамоз ва сочиқ совға қилиниши шарт ҳисобланади. Тўй арафасида «Тўққиз юбориш» русуми ўтказилади. «Тўққиз юбориш» дан кейин келин куёв томонга тегишли ҳисобланади. «Тўққиз юбориш» га қадар бирор-бир сабаб билан томонлардан бири аҳдидан қайтса, у кечиримли саналади. Аммо «Тўққиз юбориш» дан кейин аҳддан қайтув ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар «Тўққиз юбориш» дан сўнг, дейлик, қиз тарафда бахтсизлик содир бўлса ҳам, қиз томон куёв томоннинг хоҳишига қарши боролмайди, яъни тўйни белгиланган муддатдан кечиктирмайди<sup>16</sup>.

<sup>12</sup> Бромлей Ю. В. Современные проблемы этнографии. – М.: Наука, 1982. – С. 125.


<sup>13</sup> Сатторов М. Ўзбек удумлари. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 112–113.

<sup>14</sup> Тошева Г. С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари // Тарих фанлари ном... дисс. – Т., 2002. – Б. 4.

<sup>15</sup> Миралимов. Ш. Янги анъаналар, янги одатлар. – Т.: Ёш гвардия, 1975. – Б. 26.

<sup>16</sup> Ражабов Р. Ўзбекистон араблари // Мозийдан садо. – Т., 2004. – № 2 (22). – Б. 39.

### XX асрнинг 60-йилларида тўй маросимларида ўзгариш юз бердими?



	1
■ бошқа ёзинг	5%
■ арабларда анъанавийлик асосида замонавий тўйлар кириб келди	66%
■ арабларнинг анъанавий тўй маросимлар йўқолишига олиб келди	29%

Сўровнома натижасида “XX асрнинг 60-йилларида тўй маросимларида ўзгариш юз бердими?” деб берилган саволларимизга арабларда анъанавийлик асосида замонавий тўйларни кириб келишига доир фикрларни 66 фоиз респондентлармиз жавоб беришди. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, арабларда анъанавий тўй билан замонавий тўй маросимлар бир вақтда ўтказилмоқда. Яна бир биз қизиқ ҳолатни кузатиш мумкинки, арабларни 29 фоизи араблар турмуш тарзида акс экан қадимий анъаналар бугун кунда унут бўлиб кетаётганлигини таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида яшовчи арабларнинг тўй маросимлари ўзига хос бўлиб, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида биринчи марта янгича тўй маросимлари 1975 йил 1 апрелда Қудрат домла уйида бўлиб ўтган. У ўз тўйида келин ва куёв, эркак ва аёллар учун алоҳида стол-стуллар қўйиб жой қилган<sup>17</sup>. Қўшни Сурхондарё вилоятида эса бирмунча аввалроқ, аниқроғи, Денов туманида биринчи марта янгича замонавий тўй маросими 1956 йилнинг ёз ойида бўлиб ўтган<sup>18</sup>. Кейинчалик, 1969 йилда ака-ука Қўчар ва Тоғай полвонлар ҳам янгича тўй маросимини ўтказишган. Денов туманидаги Бағдод маҳалласида 1979 йили «қизил тўй»,

«комсомол тўйи»<sup>19</sup>, Работ қишлоғида 1971 йил стол-стулли тўй маросими ўтказилган<sup>20</sup>.

Ўзбеклар ва араблар ўртасида аралаш никоҳлар аста-секин кўпайиб борди. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб эса аралаш никоҳлар одатий ҳолга айланиб қолди. Умуман, этник жараёнларда аралаш никоҳларнинг роли катта. Зеро, ўзга этносга қавм элементларини олиб киришда фақат никоҳгина энг қулай йўллардан ҳисобланади. Жумладан, Ю.В. Бромлейнинг<sup>21</sup> фикрига қўра, этномаданий ўзлиқни англашда аралаш никоҳ миллатлараро алоқаларни келтириб чиқаради. Тадқиқотларимизда Жейнов ва Арабхона қишлоғидаги аҳолининг 46 фоизи араб миллати вакили билан турмуш қуришганини таъкидлашди. «Сизнинг ота-онангиз қайси миллатга мансуб?», деган саволга, қўйидагича жавоб беришди, респондентларнинг 46 фоизи «ҳар иккаласи ҳам араб миллатига мансуб», деб таъкидлашди. «Отам ўзбек, онам (араб) ёки бошқа миллат вакили», деб жавоб берганлар 49 фоизни ташкил этади. Уларнинг 5 фоизи «онам араб, отам бошқа миллат вакили» деб таъкидлашган. Умуман олганда, арабларни 95 фоизини онаси араб экан эканлигини эътироф этишган.

<sup>17</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи, 2011 йил.

<sup>18</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи, 2011 йил.

<sup>19</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани. Боғдод маҳалласи, 2011 йил.

<sup>20</sup> Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Работ қишлоғи, 2011 йил.

<sup>21</sup> Бромлей Ю. В. Этнос и эндогамия // СЭ. – 1969. – № 6. – С. 87.

### Сиз миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?




Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, йиллар ўтиши билан Ўзбекистон арабларининг ўзига хос этномаданий ўзлиги ўзгаришларга учраган. Олимларнинг фикрича, мазкур ҳодиса организмнинг ички муҳити, генетик дастури билан боғлиқдир. Турли миллатга мансуб кишиларнинг никоҳ қуриб, аралашиб кетиши наслнинг бақувват ва кўркам бўлишини таъминлайди. Респондентлар «Миллатлараро никоҳга қандай қарайсиз?», деганда арабларнинг асосий қисми миллатлараро никоҳни қўллаб-қувватлашларини таъкидлашди. Аммо улар орасида наслни тоза сақлаш ва келажакда араб миллати номини асраб қолиш лозим деб ҳисобловчи респондентларни ҳам учратиш мумкин. Бироқ, аста-секин араблар этномаданий «идентикликка учради», уларни ўзбек миллий маданиятига сингиб кетган. Тадқиқотлар даврида айрим араблар ўзига хос моддий ва маънавий маданият, урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлигини эътироф этишди. Респондентларнинг 48 фоизи миллатлараро никоҳни «қўлламан», 17 фоизи «қўлламайман», 35 фоизи «бетарафман», деб белгилашган. Сўровномалар

натijasида 48 фоиз бошқа миллат вакиллари билан турмуш қуришни қўлламан деб таъкидлайди. Яъни араблар турмуш тарзига замонавий трансформацион жараёнлари таъсир қузатилади. Ўзбекистон арабларининг асосий қисми турли миллат вакилидан бўлса-да, ҳозирги кунда уйланиш ва турмушга чиқиш ўринли эканлигини эътироф этишади. Яъни ҳеч ким динига ёки миллатига кўра ажратилмаган.

Юқорида номи қайд этилган туманларда араб ва рус миллатига мансуб эр-хотинлик ҳам мавжуд. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, «Сизнинг қайлигиниз қайси миллат вакили?», деган саволга 2 фоизи респондент рус миллати вакилига уйланганлигини, «ўзбек», миллати вакиллариининг 54 фоизи, арабларнинг 14 фоизи тожик миллати вакиллари билан турмуш қуришганлигини, 30 фоизи араб миллати вакиллари билан турмуш қурганлигини таъкидлашди.

Ўтказилган сўровномалар натижасида қўйидагича хулоса қилиш мумкин. Арабларнинг катта қисми бугунги кунда ўзбек, тожик, туркман, рус ва бошқа миллат вакиллари билан оила қуришади.


## Бошқа миллат вакили билан турмуш қуришингиз мумкинми?



«Араб бўлмаган бошқа миллат вакили билан турмуш қуришингиз мумкинми?» деб берилган саволга 50 ёшдан катта бўлган араблар араб бўлмаган миллат вакиллари билан турмуш қурмасликни таъкидлашди. Айримларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда ўзбек, тожик, араб миллати вакиллари бир-бирлари билан оила қуришлари мумкин.

Яна бир гуруҳ респондентларни фикрича, ислом динини қабул қилган ҳар қандай миллат вакили билан турмуш қуриш бу ижобий бир ҳолат ҳисобланади. Ислоний урф-одат маросимларини ўтказиб, оила қуришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар муҳим ҳисобланади.

## Сиз қизингиз ёки ўғлингизнинг араб бўлмаган миллат вакили билан турмуш қуришини ёқлайсизми?



Этносоциологик тадқиқотларда «Сиз қизингиз ёки ўғлингизнинг араб бўлмаган миллат вакили билан турмуш қуришини ёқлайсизми?» деб берилган саволга респондентларимиз томонидан турли хил фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, уларнинг фикрига кўра, этник ўзликни англаш учун биринчи навбатда ўз яқин уруғ-аймоқлари билан қуда-андачиликни сақлаб қолиш муҳим бўлсада, ҳозирги кунда респондентларнинг асосий қисми барча миллат вакили билан турмуш қуришлари мумкин. Респондентларнинг 61 фоизи «ҳа», 26 фоизи «йўқ», 13 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деган жавобни белгилашган. Бироқ XX асрнинг 80-йилларидан сўнг ўзига хос бир одат, яъни ўзбек, тожик, араб, туркман ва бошқа миллат вакиллари билан турмуш қуриш анъаналари тарқалган. Аммо баъзи араблар араб миллатидан эмас, аксинча, бошқа миллат вакилидан келин

олишган ёки уйлантиришганлигини эътироф этишади.

Ўзбек-араб халқлари ўртасида аралаш никоҳларининг кўпайиб боришини респондентлар этник гуруҳларнинг яқинлашуви этномаданиятга ўз таъсирини кўрсатганлиги билан изоҳлашади. Ўзгаришнинг асосий сабабларидан бири араблар 80 йиллардан бошлаб никоҳ қуриш аралашувга катта эътибор қаратишган бўлса кейинги йилларда ўзига хос араб этник ўзликни англаш жараёнида ўзбеклаши жараёни билан боғлиқдир. Шунингдек араблар турмуш-тарзида энг муҳим оила муқаддас эканлигини эътироф этишган.

Хулоса шуки, Марказий Осиё арабларининг турмуш тарзи ва урф-одатларида ўзига хос баъзи бир анъанавий оилавий маросимлар сақланиб қолган. Жумладан, бу каттага ҳурмат, кичик ва иззат, оиланинг боши эркак киши бўлиши, шунингдек, тўй

каби маросимларда ўз ифодасини топган. Бу жараён маҳаллий халқ (Ўзбек ва тожик) азалий қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда шаклланган. Арабларда оила муқаддас тушунча бўлиб, маълум бир тарихий даврдан шаклланиб келмоқда. Оилавий маросимларда анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, этник ўзликни англашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Араблар маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган бўлса-да, уларнинг баъзи бир миллий урф-одат, маросимлари маълум даражада сақланиб қолган. Хусусан, ислом дини билан боғлиқ никоҳ ўқитилиши, маҳр, ақиқа каби анъаналар мустақилик йилларида

яна қайтадан жонланди ва халқ ҳаётида амал қилина бошлади.

Марказий Осиёда яшаб келаётган араблар билан ўзбек оиласининг ўзаро муносабатлари асрлар давомида шаклланиб келган ва улар оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, аҳиллик муҳитини яратиш, қариндош-уруғлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Жамиятда миллий ўзига хосликни сақлашда оила ҳал қилувчи ўрин тутди.



---

**MUALLIFLAR UCHUN MA'LUMOT**  
**MAQOLALAR FAQAT YUQORIDA KO'RSATILGAN QOIDALARGA**  
**QAT'IY RIOYA QILINGAN HOLDA QABUL QILINADI!**

**QO'LYOZMANI TAYYORLASH QOIDALARI**

“Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi” jurnali 2 oyda 1 marta chop etiladi. Jurnalga respublika oliy o'quv yurtlari va tibbiyot markazlari xodimlari, qo'shni davlatlardan kelgan mutaxassislarning maqolalari qabul qilinadi.

Maqola kompyuterda Word dasturida yozilishi kerak. Hoshiyalar: yuqoridan va pastdan 2 sm, chapdan 3 sm, o'ngdan 1,5 sm asosiy shrift Times New Roman, asosiy matnning shrift o'lchami 14, qator oralig'i bir yarim, matnni kengligi bo'yicha tekislash, paragrafning chegarasi (qizil chiziq) 1,5 sm.

Sahifani raqamlash amalga oshirilmaydi. Rasmlar matnga kiritilishi, har bir rasmda rasm ostida imzo bo'lishi kerak.

Alifbo tartibida tuzilgan adabiyotlar ro'yxatiga muvofiq kvadrat qavs ichida [1,2] adabiyotlarga havolalar avval rus tilidagi, keyin chet tilidagi manbalar yoziladi. Adabiyotlar ro'yxati Davlatlararo standart talablariga muvofiq tuziladi.

Vestnik TMA jurnalida sarlavhalari mavjud:

***“Yangi pedagogik texnologiyalar”***

***“Sharhlar”***

***“Eksperimental tibbiyot”***

***“Klinik tibbiyot”***

***“Gigiena, sanitariya, epidemiologiya”***

***“Amaliyotchiga yordam”,***

***“Yoshlar tribunasi”.***

Maqolalar hajmi 20 bet, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati 40-50 manba. Maqolalarga sharh uchta tilda (o'zbek, rus, ingliz) sharh maqolalari kalit so'zlar bilan (3-5) 0,3-05 sahifadan oshmasligi kerak.

“Eksperimental tibbiyot”, “Klinik tibbiyot”, “Sanitariya, gigiena, epidemiologiya” (o'z materiali) bo'limlarida nashr etish uchun mo'ljallangan maqolalar hajmi - 9-12 bet, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati - 12-15 manbadan ko'p bo'lmagan. alifbo tartibida. O'z materiallarini o'z ichiga olgan maqolalarga izohlar tuzilgan bo'lishi kerak, ya'ni. o'z ichiga oladi (qisqacha): maqsad, material va usullar, natijalar, xulosalar, kalit so'zlar. Ular, shuningdek, uch tilda tuziladi.

Ilmiy maqolani loyihalashga umumiy talablar.

***Maqolada quyidagilar bo'lishi kerak:***

- qisqa kirish (alohida emas),
- tadqiqotning maqsadi,
- materiallar va tadqiqot usullari
- tadqiqot natijalari va ularni muhokama qilish
- xulosa

Oxirida muallifning telefon raqamini ko'rsatishi kerak, u bilan tahririyat bilan ish olib borish mumkin bo'lishi ucun.

---

---

**К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ**  
**СТАТЬИ ПРИНИМАЮТСЯ ТОЛЬКО ОФОРМЛЕННЫЕ**  
**В СТРОГОМ СООТВЕТСТВИИ С ПРИВЕДЕННЫМИ ПРАВИЛАМИ!**

**ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ**

Журнал «Вестник Ташкентской медицинской академии» выходит с периодичностью 1 раз в 2 месяца. В журнал принимаются статьи сотрудников вузов и медицинских центров республики, а также специалистов из ближнего зарубежья.

Статья должна быть набрана на компьютере в программе Word. Поля: верхнее и нижнее 2 см, левое 3 см, правое 1,5 см. Основной шрифт Times New Roman, размер шрифта основного текста 14 пунктов, межстрочный интервал полуторный, выравнивание текста по ширине, абзацный отступ (красная строка) 1,5 см. Статья должна быть сохранена в формате РТФ.

Нумерация страниц не ведется. Рисунки внедрены в текст. Каждый рисунок должен иметь подпись под рисунком и ссылку на него в тексте.

Ссылки на литературу в квадратных скобках [1,2] в соответствии с пристатейным списком литературы, который составляется в АЛФАВИТНОМ порядке, сначала русскоязычные, затем иноязычные источники. Список литературы оформляется согласно требованиям ГОСТ

В журнале Вестник ТМА имеются рубрики:

- «*Новые педагогические технологии*»,
- «*Обзоры*»,
- «*Экспериментальная медицина*»,
- «*Клиническая медицина*»,
- «*Гигиена, санитария, эпидемиология*»,
- «*Помощь практическому врачу*»,
- «*Трибуна молодых*».

Объем обзорных статей – до 20 страниц, список использованной литературы – 40-50 источников. Объем аннотаций на трех языках (узбекском, русском, английском) к обзорным статьям не должен превышать 0,3-0,5 страницы, с ключевыми словами (3-5).

Объем статей, предназначенных для публикации в рубриках «*Экспериментальная медицина*», «*Клиническая медицина*», «*Санитария, гигиена, эпидемиология*» (собственный материал) – 9-12 страниц, список литературы – не более 12-15 источников также в алфавитном порядке. Аннотации к статьям, содержащим собственный материал, должны быть структурированными, т.е. содержать (кратко): цель, материал и методы, результаты, выводы, ключевые слова. Оформляются также на трех языках.

**Общие требования к оформлению научной статьи.**

В начале статьи с выравниванием названия статьи по центру указываются с красной строки:

- номер по Универсальной десятичной классификации (УДК)
- название статьи на том, языке, на котором написана статья,
- фамилия и инициалы автора,
- название организации, в которой выполнялась работа.

Далее в той же последовательности информация приводится на русском и английском языках.

**Статья должна содержать:**

- краткое введение (не выделяется),
- цель исследования,
- материалы и методы исследования,
- результаты исследования и их обсуждение,
- заключение,
- выводы,
- литература.

В конце следует указать номер телефона автора, с которым можно будет вести редакционную работу.

---